

# Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оила ўли

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 6-DEKABR, PAYSHANBA, 144-145 (8070)-sonlar

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan  
Bahosi kelishilgan narxda.



Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 13-моддасидан)

## МДҲНИНГ АШХОБОД САММИТИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 декабрь кuni Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлди ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.**

Саммит бошланишидан аввал Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг суҳбати бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов дўстона муҳитда, ўзаро ишонч ва очиклик руҳида ўтган суҳбатда Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболларини, мамлакатларимизнинг МДҲ доирасидаги ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилдилар.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иқтисодий ва гуманитар соҳаларда, хавфсизликни таъминлашда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган қатор ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш керакики, Ҳамдўстликнинг ташкил этилиши янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарихий

шароитларда аънавий гуманитар, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни сақлаб қолишдаги объектив зарурат билан изоҳланади.

Ўтган йиллар давомида МДҲ ўзини сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамкорлик масалаларини халқаро-ҳуқуқий воситалар ёрдамида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича сиёсий платформа сифатида керакли ташкилот эканлигини намойён этди.

МДҲ ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги шаклини яратиш, минтақавий ва минтақалараро ривожланиш масалаларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатлари йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантиришга ҳамда

бугунги куннинг долзарб вазифаларини ҳал қилишда МДҲнинг салоҳиятини мустақкамлашга интилиб келмоқда.

Айни пайтда Ашхобод саммити иштирокчилари МДҲ доирасидаги мавжуд кўп томонлама ҳамкорлик механизмларининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодиётини янада ривожлантиришга, халқлари фаровонлигини таъминлашга эришиш учун Ҳамдўстлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Шундан келиб чиқиб, томонлар бундан кейин ҳам минтақавий ва минтақалараро муносабатлар тизимини шакллантиришда МДҲ ролини мустақкамлашга, уни ҳамкорликнинг замон талабларига жавоб берувчи ривожланган ва самарали механизм сифатида қарор топишда кўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Маълумки, бугунги кунда иқтисодий омилларнинг халқаро муносабатларини ривожлантиришга таъсирининг сези-

ларли даражада кучайиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу боис ижтимоий-иқтисодий масалаларни комплекс ҳал қилишда МДҲнинг иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш биринчи навбатдаги вазифа экани таъкидланди. Халқаро транспорт-коммуникация йўлақларини яратиш, энергетика ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, экспорт имкониятларини юксалтириш ва сармоявий фаолиятни рағбатлантириш бу борадаги муносабатларни ривожлантиришдаги энг истиқболли йўналишлардир.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни мустақкамлаш – МДҲни тўлақонли ривожлантиришнинг муҳим вазифаси эканлиги қайд этилди.

Томонлар Ҳамдўстлик фаолияти ва унинг шартномавий-ҳуқуқий асосини халқаро жараёнларни бошқаришнинг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш бўйича ҳамкорликдаги ишларни давом эттириш мақсада мувофиқ эканлигини таъкидладилар. Ташкилотга аъзо

давлатлар ўртасида турли соҳалардаги муносабатларни бундан кейин ҳам ривожлантириш, дўстлик ва ҳамкорликни мустақкамлашга кўмаклашиш зарурлигига қатъий ишонч билдирилди.

Саммит яқунлари бўйича МДҲ Давлат раҳбарларининг Хар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги декларацияси қабул қилинди. Шунингдек, МДҲда 2013 йилни Экологик маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йили деб эълон қилиш тўғрисида, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича илгари эришилган келишувларнинг амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Давлат раҳбарларининг қарорига кўра, МДҲ раислиги Беларусь Республикасига ўтди.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини 2013 йилнинг октябрь ойида Минск шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Анвар БОБОЕВ,**  
ЎзА махсус мухбири.  
Тошкент-Ашхобод-Тошкент

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2012 йил 5 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.**



Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Масалани кўриб чиқиш вақтида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги арафасида амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий кадрлар бўлган, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этган давлатимиз инсонпарварлигини яна бир ёрқин кўриниши эканигини қайд этдилар.

Олий Мажлис Сенатининг Қарориде жазога ҳукм қилинган аёлларни, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатларнинг фуқароларини жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) назарда тутилган. Шунинг билан бир қаторда Сенат Қарориде яна бир неча тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш назарда тутилган, шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг амал қилиши таъсир этмайдиган шахслар доираси белгиланган.

Сенат ўзининг қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарорини қўллаш тартибини белгиланган бўлиб, унда амнистия бўйича жазодан озод қилиниши керак бўлган шахсларга доир ишлар ва материалларни суд томонидан кўриб чиқиш тартиб-таомили белгиланган. Шу билан бирга сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашилари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қўлланилиши, шунингдек, уни қўллаш тартиб-таомилларининг очиқ-ойдинлиги таъминлиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод қилинаётган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига қаратилган комплекс чора-тадбирларни рўйбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишини таъминлашга, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштиришга, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомийлик ва васийлик органлари назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборишга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш ҳам назарда тутилмоқда.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томо-

нидан ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятини ишга солиш, нуфус омилларини ҳамда иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иш билан бандликнинг самарали шакллари ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс ва ўзаро бир-бири билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқдилар ҳамда маъқулладилар.

Дастур Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирорга қарши чоралар дастурини, меҳнат бозорининг жорий ҳамда истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Дастурнинг ўзига ҳос хусусиятларидан бири шуки, у ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ишга жойлаштириш, уларни касбга қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида фаол ва аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга доир тармоқ дастурларини ҳисобга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилган.

Дастурда 2013 йилда 972,7 мингта иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Бу иш ўринлари янги йirik sanoat obyektlarini ishga tushirish, ishlab turgan korxonalarini rekonstruktsiya qilish va kengaytirish, kichik biznes, xususiy va oilaviy tadbirkorlikni, xizmat kursatish hamda servis sohalarini rivojlantirishni bundan buyin ham rag'batlantirish, kasanachilik mehnatini kuchaytirish hisobiga tashkil etiladi. Kasanachilik sohasida ish urinlarining katta qismi milliy hunarmandchilikning an'anaviy markazlari - Namangan, Farg'ona, Andijon, Samarqand, Buxoro viloyatlarida tashkil etiladi.

Дастурда олисда жойлашган, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси nisbatan yuqori bulgan to'g'li, chegaraga yaqin 28 ta hududda ish urinlari tashkil etishga alohida e'tibor beriladi. 2013 йилда бу ҳудудларда камда 126 мингта ёки 2012 йилдагидан беш фоиз кўп иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Дастурнинг яна бир устувор жиҳати фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган тоифаларини ишга жойлаштиришдан иборат. Ногиронлар ҳамда меҳнат бозориде қийинчиликка дуч келаятган бошқа шахслар учун камда 100 мингта иш ўрнини захиралаш (квоталаш) белгиланган.

Дастурда таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга муҳим ўрин ажратилган. Буш ва захираланадиган иш ўринлари ҳисобида касб-хунар коллежларининг 500 мингдан зиёд битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган. Шу мақсадда «коллекж - корхона» тизими бўйича касб-хунар коллежларига иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги 90 мингдан зиёд корхона ва ташкилот бириктириб қўйилади, битирувчиларининг иш қидиришга сарфлайдиган вақтини қисқартириш учун эса барча йirik шахарлар ва туманларда камда 900 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилади. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрларининг битирувчиларига ўзи тadbirkorlik ishini tashkil etishi hamda йўлга қўйиши учун имтиёзли микрокредитлар ажратиши давом эттириш назарда тутилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik subyektlarini kredit bilan salmoqli ravishda qўллаб-қувватлаш maqsadida tijorat banklari tomonidan 5.1 trilyonliq sўm miqdorida kreditlar ajratish kўzda tutilmoqda. Bu kredit mablag'larini, asosan, o'lis kishiloq tumnlarida va mehnat bозорida vaziyat keskin bulgan hududlarda ish urinlari tashkil etishini nazarda tutuvchi loyihalarni moлияlashtirishga йunaltiliriladi.

Сенаторларнинг фикрича, кўриб чиқилган Дастур фуқароларнинг ишбилармонлик фаолиятини бундан buyin ham rag'batlantirishni, parandachilik, baliqchilik, asalarichilik, kishiloq хўжалиги ва meva-sabzavat mahsulotlarini qayta ishlab hamda saklashga, issikxonа хўжалиklarini tashkil etishga ixtisoslashtirgan fermer va deхdon хўжалиklarini, shuningdek, ishlab chiqarish va iжtимоий infратuzilmanni rivojlantirish va kengaytirishni hamda бошқаларни nazarda tutadi.

Шундан сўнг сенаторлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида тайёрланган бир қатор қонунларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Шу жўмладан, рўхсат бериш тизимининг яна нормаив-хуқуқий базасини яратиш, ваколатли давлат органларида рўхсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш шартлари ва тартибини бирхиллаштириш, тadbirkorlik faоلياتi sohasidaги rўхсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишдаги ортика бюрократик тўсиқларни bartaraf etish, тadbirkorlik subyektlarining хуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқарув харақатларининг батомом очиқ-ойдинлигини таъминлаш мақсадида тайёрланган «Тadbirkorlik faоلياتi sohasidaги rўхсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқилди. Хусусан, ушбу Қонуннинг асосий янгилик-

ларидан бири рўхсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларнинг «бир дарча» орқали берилиши принципини жорий этишдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу принципга мувофиқ ваколатли орган тadbirkorlik subyektiга рўхсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда амалга оширилади, бунда ваколатли орган ҳужжатларни тadbirkorlik subyekтининг иштирокисиз мустақил равишда олади.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонунда рўхсат бериш тартиб-таомилларини ўтишининг асосий унсурларини белгилаб қўйиш тadbirkorlik subyektlarini хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини анча тақомиллаштиришга, тadbirkorlik faоلياتини амалга ошириш учун қўлай шароитлар яратишга, шунингдек, рўхсат бериш тартиб-таомиллари билан боғлиқ масалаларни хуқуқий тартибга солишининг изчиллигини ва яхлитлигини таъминлашга имкон беради.

Шундан кейин сенаторлар янги таҳрирдаги «Нормаив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунни кўриб чиқдилар. Ушбу ҳужжат қонун иждорқолиги жараёнини янада тақомиллаштириш, халқаро ва миллий қонун иждорқолиги амалиётини ҳисобга олган ҳолда нормаив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишининг янада самарали механизмларини яратиш ҳамда сифатини ошириш мақсадида тайёрланган. Қайд этилгандек, янги таҳрирдаги Қонун олдинги таҳрирдаги Қонундан ҳам жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам анча фарқ қилади. Қонун янги моддаларни ўз ичига олибгина қолмасдан, шу билан бирга ҳозирги қонуннинг реал воқелиқларини ҳисобга олган ҳолда унинг қўллаб амалдаги қоидаларни мазмунини жиддий тузатишлар киритади.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши қабул қилинаётган нормаив-хуқуқий ҳужжатларнинг сифатини, уларнинг лойихаларини тайёрлашда қатнашадиган органларнинг маъсулиятини оширишга, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижро этилишини самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Сенаторлар хусусий мулкчиликка асосланган хусусий банк ва молия институтларини ташкил қилишининг қонунчилик асосларини шакллантиришга, банк ва бошқа молиявий хизматлар бозориде рақобатни кенгайтиришга ҳамда миջозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, замонавий бозор инфратузилмаси ривожланиши учун шароитлар яратишга қаратилган «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши хусусий банк ва молия институтлари учун тенг шароитлар яратишга, улар фаолиятининг давлат кафолатлари тизимини кучайтиришга, халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ молия-банк тизими фаолиятининг барқарорлигини ва самарадорлигини таъминлашга, шунингдек, бу соҳада рақобатни ривожлантиришга ёрдам беради.

Сўнгра сенаторлар «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Мўхокама жараёнида қайд этилгандек, Қонуннинг асосий мақсади ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тезкор-қидирув фаолиятининг қонунчилик ва хуқуқий асосларини, шунингдек, тезкор-қидирув хусусиятига эга бўлган тadbirkorlikni амалга ошириш вақтида қонунчиликка риоя этилиши, фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликлари таъминлианишининг реал хуқуқий кафолатларини яратишдан иборат.

(Давоми 3-саҳифада)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Боши 2-саҳифада)

Сенаторлар кўрсатиб ўтганларидек, ушбу Қонун тезкор-кидирув фаолиятини тартибга соладиган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган амалдаги нормаларни мунтазам ҳолга келтириш, суриштирув ва дастлабки тергов сифатини, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга ўз вақтида чек қўйиш чораларининг самарадорлигини ошириш имконини беради, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини либераллаштиришга ёрдам беради.

«Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлариға ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар киритилган нормалар сайлов кампаниясини ўтказиш вақтида депутатликка номзодлар ва тайёинлик партияларга тенг шароитларни таъминлаш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари ушбу Қонуннинг рўёбга чиқарилиши сайлов эркинлиги принципини янада тўла амалга оширишга, мамлакат сайлов тизимини янада демократлаштиришга, шунингдек, сайловни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида ошқоралик ва очиқ-ойдинлик принциплари мустаҳкамланишига ёрдам беради, деган фикрни билдирдилар.

Шундан кейин сенаторлар ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини қулайтириш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республи-



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

касининг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Солиқ ва Божхона кодекслариға, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида»ги, «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғриси-

да»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлариға бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокама давомида сенаторлар тақлиф қилинаётган ўзгариш ва қўшимчалар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилишининг ҳуқуқий кафолатларини, уларнинг фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан тегиришларни янада яхшилашга, микромолиялаш бозори сифат жиҳатидан ривожланишини, солиқ солиш тизимини бирхиллаштиришни, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари либераллаштирилишини, йўл ҳаракати хавфсизлиги такомиллаштирилишини таъминлашга қаратилган бир қатор янгилекларни назарда тутди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўнинчи ялпи мажлисининг биринчи иш қуни тугади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

Тошкентда «Ўзбекистон ипаги» Пиллакорлар ва ипак мато ишлаб чиқарувчилар ассоциациясининг таъсис анжумани бўлиб ўтди.

## ЯНГИ АССОЦИАЦИЯ

Унда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзбекенилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Ипакчилик илмий-тадиқот институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми», тадбиркорлар, ипак тўқиш корхоналари ҳамда нодавлат муассасалар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида мамлакатимизда пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳаси изчил ривожланаётгани алоҳида таъкидланди.

«Ўзбекистон ипаги» Пиллакорлар ва ипак мато ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси ушбу соҳани янада ривожлантириш, пилланинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, унинг янги зотларини яратиш, ипак толаси сифатининг халқораво стандартлар талабларига мослигини таъминлашга хизмат қилади. Бу пилла толасини замонавий бозор тамойиллари асосида сотиш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш, малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга оид ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини беради.

Жорий йилда қарийб 44 минг фермер ҳўжалиғи томонидан 443,5 минг қути ипак қурти уруғи парваришланиб, 25 минг тоннадан зиёд «кумуш тола» тайёрланди. Ушбу ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга топширилди. Ҳосилдорликни ошириш ва етиштирилган пилла сифатини яхшилаш мақсадида 55 минг гектардан зиёд майдондаги тўтзор ва 76 миллион дондан ортиқ якка тут қаторларида агротехника тадбирлари амалга оширилиб, пилла озуқа базаси мустаҳкамланди.

Анжуманда «Ўзбекистон ипаги» Пиллакорлар ва ипак мато ишлаб чиқарувчилар ассоциациясининг низоми тасдиқланди. Андихон вилоятидаги «Едгорлик» корхонаси раҳбари Аъзамхон Абдуллаев ассоциация раиси этиб сайланди.

**Сайёра ШОЕВА,**  
ЎзА муҳбири.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

### ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандиға ва 93-моддаси 23-бандиға асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

- а) аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
- г) чет давлат фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. I ва II гуруҳ ноғиронлари, шунингдек ушбу Қарор қўл қиргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп

бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний қўчға кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигиға қарши жиноятлар содир этганиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишға ҳукм этилиб, тузалиш йўлиға қатыш ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

7. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатта озодликдан маҳрум қилишға ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати – учдан бир қисмиға;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатта озодликдан маҳрум қилишға ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмиға қисқартирилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши – узок муддатға ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишға ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиний уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда

бузаётган шахсларға; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазоға алмаштирилган шахсларға;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши – ўта оғир жиноят содир этган шахсларға;

в) ушбу Қарор 1–4, 6, 7-бандларининг амал қилиши – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигиға қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларға;

г) ушбу Қарор 4, 5, 7-бандларининг амал қилиши – муқаддам амнистия бўйича жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларға.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошқоралик амалға оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалға оширилиши юзасидан масъулиек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан қўчға қиради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 5 декабрь.

**Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.**

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасидан)

## ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оила институтини янада мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш, ҳуқуқий асосларини барқарорлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Оила – табаррук даргоҳ, муқаддас кўрғон. Оила жамиятнинг ажралмас бўлаги. Инсон оилада ўсиб-ўлғаяди. Тарбияси, тафаккури, дунёқараши шу даргоҳда шаклланади. Шу бонс ҳам бахтини, келажагини, тақдирини оилада кўради.

Халқимизнинг ана шундай асрий ва азалий қадрият ҳамда анъаналари Комунизмда ўзининг ёрқин фодасини топган. Конституциямизга «Оила» боби киритилган бўлиб, унда Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган. Ана шу қоидадан келиб чиққан ҳолда ўтган даврда оила институтининг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди ва такомиллаштирилмоқда. Хусусан, Оила кодекси, оила билан боғлиқ 50 га яқин қонун, Президентимизнинг 20 га яқин фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Иқтисодий тараққиёт ҳар қайси мамлакатнинг куч-қудратини, шу ерда яшаётган халқнинг фаровонлиги ва осойишталигини таъминлайдиган асосий омиллардан саналади. Бу фикрни жамиятнинг бир бўлаги бўлган оила мисолида давом эттириш мумкин. Зеро, фарзандларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишини, ўз навабатида эса мамлакат тараққиётига ҳисса қўша оладиган авлод шаклланишини таъминлайдиган омил бу – оиладаги барқарорлик ҳисобланади.

Оиланинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик ёки оилавий бизнесни олайлик. Барча шароит яратилмоқда, қўлайлик ва имтиёзлар берилмоқда. Жумладан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам фикримизнинг исботидир.

Бу Конституциямиз берган имконият. Зеро, олдин оилада тадбиркорлик билан шуғулланиб бўлармиди? Йўқ, албатта! Шўро замонида маълум сондан ортиқча мол боққан ёки томорқасидан даромад топишга ҳаракат қилган кишилар қаттиқ қораланганини ҳаммамиз яхши биламиз. Оила даромадини юксалтириш, барқарорлигини таъминлашни Мустақиллигимиз берди. Конституциямизнинг 36-моддасида шундай белгилаб қўйилган, «**Ҳар бир шахс мулкдор бўлишига ҳақли**». Шу асосда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Оила соғлом экан, жамият соғлом бўлади. Оила мустаҳкам экан, жамият мустаҳкам бўлади. Оила маърифатли бўлса, ёки маърифатли бўлади. Конституциямизда оиланинг мустаҳкам бўлишига пухта замин қўйилган. Хусусан, шундай дейилади Конституциямизда: «**Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга**» (40-модда), «**Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади**» (41-моддadan), «**Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади**» (65-моддadan).

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2012 йил — Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилингани ҳамда махсус Давлат дастури амалга оширилаётгани ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Донишмандлардан бири шундай деган экан, эртага нима иш қилишни билмайдиган кишидан кўрк, Лоқайдлиги унинг эртасини ҳам ўлдириб боради. Бугун биз том маънода бахтимиз. Нафақат эртага, балки, келгуси йил, ундан кейин учун ҳам режамиз бор. Келажагимизга ишонамиз. Буларнинг барчаси Истиқлолимиз шарофатидан, бахтимиз комуси – Конституциямизда белгиланган ҳуқуқларимиз, имкониятларимиздан. Шундай эмасми!..

Асилбек АБДУРАИМОВ

«ИЖТИМОЙ ФИКР» ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ОИЛАЛАРДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ҚАНЧАЛИК МУСТАҲКАМЛАНГАНИ, ШУНИНГДЕК, УЛАРНИ АНЪАНАВИЙ ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ СИФАТИДА РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУҲИМ ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИ ЎРТАСИДА МОНИТОРИНГ ТАРТИБИДА СЎРОВ ЎТКАЗДИ. ТАДҚИҚОТ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДИДА РЕПРЕЗЕНТАТИВ ТАНЛОВ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ўзбекистонда оилалар фаровонлигини ошириш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Мамлакатимизда оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга доир тизимли чора-тадбирлар ҳаётга эътибор берилди. Сўров натижаларига кўра, фуқароларимизнинг аксарияти давлатимизнинг ушбу муҳим соҳага қаратаётган эътиборини юқори баҳолайди.

Тадқиқот фуқароларимиз, биринчи навбатда, оила салоҳиятини юзага чиқаришда унинг ижтимоий, биологик ва маданий вазифалари муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратишини кўрсатди. Сўров иштирокчиларининг катта қисми оиланинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги саволга жавоб берар экан, тарбия ва одоб-ахлоқни шакллантириш борасида оила устувор аҳамият касб этишини таъкидлади.

Сўров қатнашчиларининг фикрича, айнан оила инсон маънавиятини шакллантиришга катта таъсир кўрсатганидан ижтимоий институтлар орасида биринчи ўринда туради. Ёшларнинг дунёқараши, қадриятларга ҳурмати ва ҳаётини қизиқишлари, мақсадлари ҳам айнан оилада, маҳалла ва ўқув юртида шаклланади. Ушбу жараёнда маданият ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳам муайян таъсир кўрсатади. Бу борада ушбу ижтимоий институтларнинг роли кучайиб бораётганини қайд этиш жоиз.

Сўров давомида олинган маълумотлар шундан далолат берадики, Ўзбекистон фуқаролари давлатимиз томонидан маънавий-ахлоқий соҳада амалга оширилаётган сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Мамлакатимиз аҳолиси маънавий-ахлоқий қадриятларни абадий деб билади ва уларнинг фикрича, маънавий жамиятнинг негизи ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг фикрича, ўзбек халқининг ўзига хос жиҳатлари орасида бой тарихий, маданий, маънавий-маърифий меросга эгалик, шунингдек, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик, ўқимшилик, ҳалоллик ва виждонлилик, тинчликсеварлик каби фазилатлар алоҳида ажралиб туради.

Ижтимоий тадқиқот давомида тарихий хотира асосида маънавий қадриятларга қатъий амал қилиш, кундалик ҳаётда маънавий негизларини ва миллий анъаналарни асраб-авайлаш ҳозирги Ўзбекистон жамиятининг ўзига хос хусусияти экани аниқланди. Бу, ўз навбати-



да, жамиятимизда тинчлик-тотувликни сақлаш, уни барқарор ва изчил тараққий эттиришнинг муҳим омилига айланмоқда.

Сўров қатнашчилари дабдабали оилавий тантаналарни ўтказиш шартми, деган саволга бундай тадбирларни ўтказишдаги ортиқча сарф-харажатлар, исрофгарчилик халқимизнинг миллий анъаналарига мунособат мос келмаслигини таъкидлади.

Уларнинг фикрига кўра, оила ижтимоий йўналишлар тизимини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади. Жамоатчилик онгига замонавий оиланинг ёши катта инсонларни ҳурмат қилиш, камтарлик ва меҳнатсеварлик, жамиятда ўзини муносиб тутиш, кичиклар ҳақида ғамхўрлик қилиш, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш каби муҳим аҳамиятга эга қадриятлари мустаҳкам қарор топган.

Бу борада принципиал қадриятларга мунособат масаласида ёшлар ота-оналарининг фикрларини маъжўллайди. Сўралган ҳар беш одамдан бири болаларни тарбиялашда энг яхши маънавий-ахлоқий анъаналарни ўзда муҳасаса этган катта авлод вакиллари муҳим ўрин тутишини таъкидлаган. Айни пайтда фарзандларни маънавий тарбиялашда оиланинг барча аъзоси бирдек масъулдир.

Маънан етук, Ватанига содиқ баркамол фарзандлар маънавий соғлом, меҳнатсевар, ҳалол ва отана бир-бирини яхши тушунадиган аҳил оилада тарбияланишига тадқиқот иштирокчиларининг ишончи комил. Сўров маълумотларига кўра, мамлакатимиздаги аксарият оилаларда болалар мустаҳкам маънавий принциплар, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, катталарни ҳурмат қилиш, билим олишга интилиш, ҳалоллик, мустақиллик ва камтарлик каби фазилатлар асосида тарбияланмоқда.

Сўров давомида оилаларда болаларнинг ўрта махсус ва олий маълумотга эга бўлишининг

аҳамияти ортиб бораётгани аниқланди. Бу олий ўқув юртилари, коллеж ва лицейларда ўқитиш сифатининг мунтазам юксалиб бораётгани, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга самарали татбиқ этилишининг амалий натижасидир.

Ўзбекистондаги кўпчилик оилаларда фарзандларнинг жисмоний тарбияси ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодда соғлом турмуш тарзи кўникмаларига қатъий талаб шаклланди. Сўров давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга йўналтирилган стратегияси халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Тадқиқот Президентимиз ташаббуси билан 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ҳам аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини кўрсатди. Айни пайтда ўзбекистонлик ҳар тўрт фуқародан бири оилавий бизнес билан шуғулланмоқда.

Сўралганларнинг катта қисми ўз оиласининг моддий аҳолини яхши деб баҳоламоқда. Бундай фикр билдирган одамлар сони аввалги сўровлардагидан анча кўпайган.

Мухтасар айтганда, ўтказилган сўров натижаларини шундан далолат берадики, Ўзбекистон фуқаролари учун оила энг муҳим ҳаётий қадрият ва баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омилдир. Президентимиз Ислам Каримов оила институтини ривожлантиришга катта эътибор қаратаётгани, бу борада оқилана сиёсат юритилаётгани, жумладан, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда оилаларнинг моддий аҳоли ва турмуш сифати яхшиланмоқда, маънавий-ахлоқий асослари янада мустаҳкамланмоқда.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида  
ЎЗА мухбири Анна ИВАНОВА тайёрлади.

# ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Қай юртда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурса, ўша ерда тараққиёт бўлади. Бизнинг эришадган ютуқларимиз замирида ҳам ана шу тинчлик-осойишталик ётади. Агар истиқдолнинг ўтган йигирма бир йилига назар ташласак, пойтахтимиз, вилоятлар марказлари, шаҳар, қишлоқларимиз, ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам катта ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўламиз. Юртимиздаги хотиржамлик ва барқарорлик туфайли хонадонларда тўю томошалар, байраму шодибаналар бўлмоқда. Бу нъматларга чин маънода шукрона қилиш ва уларнинг қадрига етиш керак. Чунки бутунги кунда айрим юртлардаги нотинчликлар оқибатида беғуноҳ одамлар азият чекмоқда.



ўша инсоннинг қайси дин, ирқ ёки миллатга тааллуқли эканининг аҳамияти йўқ. Ҳатто уруш чоғида ҳам ёш бола, аёл, кекса ҳамда ибодат билан машғул бўлганларни ўлдириш, шунингдек, уй-жой, иморат ва иншоотларни вайрон қилишдан тортиб, экинзору дарахтларни йўқ қилиш қораланган. Бунинг акси ўлароқ, айрим мамлакатлардаги бузғунчи кимсалар ғаразли мақсадлари йўлида Аллоҳ инъом этган инсон ҳаётига тажовуз қилиб, вайронкорлик ишларини амалга оширмоқда. Уларни инсон қиёфасини йўқотган ваҳшийлар дейиш ўринлидир. Ноҳақ одам ўлдириш, беғуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш нафақат Исролда, балки барча динларда ҳам ман этилган. Соғлом ақли, соф виждонли инсон буни инкор этмайди.

шунингдек, мусулмон юртда қонуний яшаётган бошқа шахсларни ҳам кўрқитиб бўлмастгига далил бўлади. Табароний ривоят қилган ҳадисда: «Бирор кишига мусулмонни кўрқитиш ҳалол эмас», дейилган.

қилиб) олинг, яхшиликка буюринг! Жоҳиллардан юз ўғиринг!» (Аъроф, 199) кўрсатмасининг амалдаги исботидир. Бундан ташқари, бундай фитналарни ўйлаб топаётган кимсалар бу ғалаёнларни кўриб, «ишимиз қўл келибди-да» деб хурсанд бўлади. Шунинг асло унутмаслигимиз керак.

## НАЙРАНЛАРГА УЧМАНГ!

Ҳақиқатда Муҳаммад пайгамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) сийратларини обрўсизлантиришга уринилган «Мусулмонлар гуноҳсизлиги» қисқа метражли фильми тақдиротидан кейин кўп мамлакатларда норозилик чиқишлари бўлди. Бундай хатти-ҳаракатлар оқибатида бир неча кишилар азият чекди. Шунингдек, бундан кун сайин мустаҳкамланиб бораётган ўзаро тотувлик, динларо бағрикенглик ва меҳр-оқибат ришталарини узишга интилаётган фитначи кимсаларнинг манфаати борлигини аниқлаш керак.

Ақли теран ва соғлом фикрли инсон бундай пайтда қандай йўл тутганини жуда яхши билади. Айниқса, мўмин киши учун ислом динининг асосий манбаларида қандай иш тутиш лозимлиги борасидаги ибратли воқеалар талайгина:

**Биринчидан**, ислом динининг эзгу таълимотлари ва раҳмат пайгамбари бўлган Муҳаммад Расулulloҳни (алайҳиссалом) обрўсизлантиришга интилган ҳар қандай инсон ёки гуруҳнинг саъй-ҳаракати умуман беҳудадир. Хусусан, мазкур фильм ижодкорлари Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳар қанча камситишга интильмасин, бу иши билан мубарак динимизга ёки Ул зотнинг сийратларига заррача ҳам зиён етказмайдими. Чунки Аллоҳ таоло ислом дини ва таълимотларини ҳимоя қилиши ҳақида бундай деган: «Албатта, бу зикрни (яъни Қуръонни) Биз ўзимиз нозил қилдик ва уни ўзимиз асрагувчимиз» (Ҳижр, 9)

**Иккинчидан**, Пайгамбаримизни барчамиз яхши кўрамыз, Ул зотга муҳаббатимиз чексиз. Бироқ, бундай ҳаракатларга нисбатан айрим давлатларда бўлаётганидек, тўс-тўполон ёки ғалаёнлар билан эмас, балки босиқлик ва зуқолик билан муносабат билдириш керак. Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари ул зотга суиқасд қилишга интилган Ҳаким ибн Ҳизомни бағрикенглик билан кечириб юборганлар ёки суюкли амакиларни бўлган Ҳамза ибн Абу Толибни ўлдирган Ваҳшийни бир умр қалблирида қайғули хотира сифатида муҳрланган бўлишига қарамай, авф қилганлар. Булар шубҳасиз, Қуръон Каримдаги: «Афган (қабул

Учинчидан, дунёда ёмон ниъти кимсалар томонидан вақти-вақти билан турли дин вакиллари ўртасида низо уруғини сочиш мақсадида ҳар хил кўринишдаги фасод ишлар қилинмоқда. Ушбу фильм орқали ҳам турли дин вакиллари ўртасидаги тотувликни бузиш мақсади борлиги аниқ. Диний бағрикенглик, ўзаро иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат, силам раҳм каби умуминсоний қадриятлар динимизнинг асосий манба бўлган Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифларда кўп марта тақдорланганини улар билмайдиларми?

Бу борада Пайгамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) Исролом умматигагина эмас, бутун инсониятга ибрат бўлдилар. Ул зот Мадинага ҳижрат қилганларида давлат ишларидаги биринчи амаллари ўша ерлик яҳудийлар билан уларнинг ақидаларини ҳурмат қилишга асосланган аҳднома тузиш бўлди. Жаноб Расулulloҳ аҳли китобдан бўлган қўшнилари билан яхши муносабатда бўлар, ҳада бериб, улардан ҳам қабул қилар эдилар. Ҳатто аҳли китобдан бўлган қўшнилари оғир зиён-заҳмат етказганида ҳам Ул зот мулоимлик билан Яратгандан уларга ҳидоят ва инсоф тилайдилар. Демак, мўмин-мусулмонлар бундай пайтда Муҳаммад (алайҳиссалом) йўлларини маҳкам тутиб, ақл-заковат ва босиқлик билан ўзларини тутишлари лозим бўлади.

**Тўртинчидан**, бутунги кунда нафақат мўмин-мусулмонлар ўртасида, балки турли дин вакиллари ўртасидаги тобора мустаҳкамланиб бораётган иноқликни кўролмайдиган кимсалар пайдо бўлмоқда. Ана шундай ғаламислар турли миллат ва дин вакиллари ўртасида совуқчилик солиш мақсадида, ҳар хил найранглари ишга солмоқдалар. Мана шундай найранглarga учмаслигимиз, бундай вазиятда кескинлик билан қарор қилиш ўрнига, обдон ўйлаб, кейин бир хулосага келишимиз керак.

**Айдарбек ТУЛЕПОВ,**  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси  
ўринбосари.

(«Ислом нури» газетасининг 2012 йил 20-сонидан)

пайт пойлаб туришмоқда.

— Ушбу манфур кўчаларнинг ғаразли мақсадлари жуда кўп. Масалан, ғалаёнлар юз бераётган араб мамлакатларига назар солинса, уларнинг аксарияти табиий бойликлар, айниқса, нефть захираси кўп бўлган давлатлар экани аён бўлади. Бундан маълум бўладики, ташқи кўчалар мамлакатдаги моддий бойликларини талон-торож қилиш мақсадида ушбу нотинчликларни келтириб чиқараётганлари кундай равшан;

— Барқарорлиқни издан чиқариш орқали мамлакат Афғонистон каби нотинч ҳудудга, кимларнингдир ғараз мақсадидаги хизмат қиладиган майдонга айлантирилади. Оқибатда, бундай ҳудудлар гиёҳванд моддалар етиштириш, жиноятчи гуруҳлар учун макон ва ёвуз мақсадлар йўлида фойдаланадиган жой вазифасини ўтайди. Шунингдек, осойишталикка путур етиши натижасида, аҳолининг тинчлиги бузилади, қурбонлар бўлади ва мамлакат муаммолар исканжасида қолади. Кўшини давлатлар ҳам бундай вазиятлардан зарар кўради. Бундан фақатгина инсоний сифатлардан маҳрум кимсаларгина манфаат топиши мумкин;

— Қора кўчаларнинг қора мақсада эришиш борасидаги фаолиятлари турлича бўлсада, тутаётган йўл ёки қилаётган ишлари бир хил — одамларнинг тинч ҳаётини издан чиқариш. Айниқса, баъзи шахс ва гуруҳлар ўзларининг геосийсий мақсадларига эришиш йўлида қатор ихтилоф ва кўнгилсизликларни келтириб чиқармоқда. Халқимизда «бир кун жанжал бўлган уйда, қирқ кун барака бўлмайди» деган нақл бор. Давлатни ҳам бир оила деб оладиган бўлсак, унинг иқтисодий ёки бир неча йил ортага сурилади ва ўзини ўнглаб олиши учун жуда кўп йиллар керак бўлади.

— Сўнгги йилларда жаҳон миқёсида разил кимса ёки ташкилотларнинг сиёсий мақсадлари йўлида, яъни дунёда таъсир доирасини кенгайтириш, бойликларга эга бўлиш ёки мамлакатларни ўз ичига тушириш йўлида бузғунчи ва террорчи кўчалардан фойдаланиши яққол кўзга ташланмоқда. Улар бундай қабиҳ ниятларига етиш йўлида кенг халқ оммаси орасига ваҳима солиш, кўрқитиш ва зулм қилиш каби оғир гуноҳларга тап тортмасдан қўл урмоқда.

Ислом дини зулм ва зўравонликнинг ҳар қандай кўри-нишини қатъий қоралайди. Қуръони Каримнинг «Наҳл» сурасида шундай дейилади: «**Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтарар.**»

Ислом дини инсон ҳаётига зомин бўлиш ва зулм қилишнинг қатъий ман ётади. Бунда

Жумладан, 2011 йилнинг баҳор ойларида араб ўлкаларида бошланган низо ва қарама-қаршиликлар ҳали-ҳануз давом этмоқда. Бунинг оқибатида минглаб беғуноҳ одамлар қурбон бўлмоқда. Муқаддас динимизда ҳеч қандай гуноҳи, айби бўлмаган одамнинг ҳаётига зомин бўлиш бузғунчиликнинг энг улкан кўриниши ҳисобланади. Аллоҳ таоло бундай оғоҳлантиради: «Кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса (яъни ўлдиришдан бош тортса), демак, гўё барча одамларга ҳаёт берибди» (Моид, 32). Демак, минглаб беғуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлаётган кимсаларнинг гуноҳи улкандир.

Қуръони Карим таълим берадики, ҳар қандай шаклдаги зулм ва зўравонлик ислом динига бутунлай зиддир. Бирор мусулмон ана шундай жиноятни содир этиши асло мумкин эмас. Шунингдек, солиҳ киши бошқа одамларни жиноят қилишдан қайтаришга Аллоҳ таоло олдида масъулдир. Ҳар бир имонли кишининг бурчи — ер юзида бузғунчиликка йўл қўймаслик, дунёда фаровонлик ва осойишталикни қарор топтириш учун ҳаракат қилишдан иборатдир.

## НОТИНЧЛИКНИНГ ТУБ ИЛДИЗЛАРИ

Жаҳондаги нотинч мамлакатлар, хусусан, айрим араб мамлакатларида содир этилаётган ғалаёнлар ва қўпурвчиликларнинг ички ва ташқи сабаблари қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

Барқарорлиқни таъминлашга лоқайдлик, бепарволик билан қараш, бу борада тегишли маънавий-маърифий ва амалий ишларнинг амалга оширилмаганидир. Шунингдек, ёшларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, ота-она, оила ва жамяят назоратидан четда қолдириш оқибатида, ёшлар ёвуз кўчалар найрангларига алданиб қолишгапти;

Аҳоли орасида бой ва камбағалларнинг кескин табақаланиши, ишсизларга эътибор қаратмаслик ҳамда ихтиомий тадбирларнинг суст олиб борилиши;

Интернет тармоғидаги айрим сайтларнинг ушбу давлатларда тўс-тўполонларнинг авж олишига кўмаклашуви. Чунки бундай сайтларга зимдан тинчликни издан чиқаришга даъват этадиган кўп материаллар жойлаштирилган ва бу йўналишдаги мулоқотлар мунтазам олиб борилади;

— Энди ташқи кўчалар таъсирига келсак, улар мамлакатдаги тайёр етилиб турган оғир вазиятга олов пурак, тўполонларнинг пайдо қилиб, ўз мақсадларини амалга ошириш учун қулай вақт келгунга қадар

# «Имконият олами»даги МУАММОЛАР

Автобуса чиқдим. Олдимдаги ўриндиқда 12-13 ёшлардаги икки бола ўтирарди. Мактабдан қайтишяпти, шекилли, оқ кўйлак, қорашим кийган. Лекин кўлида дафтар-китоби йўқ. Бирининг кўлида фақат телефони бор. Сўнги русумдаги бўлса керак. Тинмай унинг имкониятини мақтаяпти. Шу орада кимларгадир кўнгирак қилади. Яна унинг имкониятлари ҳақида сўзлайди...  
Блутс, интернет, радио, телевидение, смс, ммс, фотодизайн, ўйинлар ва бошқалар...

Уларга ҳавасим келди. Йўқ-йўқ! Телефонига эмас, шундай зўр даврда яшаётганига, билим олаётганига. Замонавий ахборот технологияларига эга эканлиги ва уларни моҳирона бошқаришига. Аммо улар буни тўғри англаб етаяптими? Мана шундай яратилган шароитдан, имкониятлардан унутили фойдаланишми?

— Ҳар бир боланинг характерида ўзига тегишли нарсалар, масалан, ўйинчоқ, китоб, велосипед билан мақтаниш одати бор, — дейди руҳшунос Гаваҳар Хайруллаева. — Бу санокча эндиликда кўл телефони ҳам қўйиш мумкин. Энг қизиғи шундаки, бугун болалар тенгдошларининг кўлидаги уяли телефонига қараб, ота-онанинг қанча пул топишини бемолал айтиб бера олади. Бунинг оқибатида эса ўсмирлар орасида носоглом муҳит юзага келиши мумкин.

Маълумотларга қараганда, кейинги йилларда шахсий компьютер ҳамда уяли телефондан фойдаланиши оқибатида фарзанднинг руҳий муаммолари борасида руҳшуносларга мурожаат қилаётган ота-оналар сони ортган. Шу ўринда яна бир жиҳатни таъкидлаш лозим, бола табиатида унга акс таъсир кўрсатмаган нарсаларга нисбатан ижобий ҳулосага келиш одати бор. Яъни ота-онанинг буни қилма, унга тегма деган таъқ-



ларидан кўра, тинчгина интернетда ёки телефонда ўзи хоҳлаган ишни ҳеч қандай тўсиқ ва чекловларсиз бажаргани маъқул. Бунинг оқибати эса фақатгина ташвиш келтиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жонли мулоқотга киришмай фақатгина мобил телефон ёки интернетга боғланиб қолиши натижасида бола ташқи дунёдан ажралиб қолган одам, илмий тил билан айтганда «виртуал аутист» ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Бу борада муаммо — бола ҳали нима яхшию нима ёмонлигини билмаслиги ҳамда бола табиатидаги қизиқувчанлик ва ноодатийликка бўлган қизиқ оқибатида келиб чиқади. Сахийлик қилиб, кичкинагина «қўли» орқали ўз фарзандларимизга ўрнини ҳеч қандай нарса билан қоплаб бўлмайдиган зиён етказайтганимизни ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Мобил телефони тарқатдиган радиация инсон, айниқса, ёш организмга юқори даражада зарар кўрсатади, —

дейди невропатолог Гўзал Тургунова. — Жумладан, радиоалоқа нурлари кичик ёшдаги болаларнинг миёсига таъсир кўрсатиб, айнаи ўсиш палласидаги мия ҳужайраларини осонгина зарарлайди. Суякларнинг ўсишдан тўхташи, хотиранинг сусайиши, иммунитетнинг тушиб кетиши, жиззаклик, руҳий тушкунлик, лоқайдлик ҳолатлари юзага келиши мумкин. Бугун мобил телефонлардаги ажабтовор ўйинларни 4-5 ёшдаги болалар ҳам бемалол ўйнай олади. Бу борада катталарни биров эътиборли бўлишига қачирган бўлар эдим.

Бир гуруҳ олимларнинг тиббий ҳулосаларига кўра, ёш болаларнинг мобил алоқа воситаларидан фойдаланиши оқибатида кейинги икки соат давомида бола миёсанинг биоэлектрик фаоллиги сусаяди. Болада ишчанлик қобилияти пасайиб, иштаҳа йўқолиши каби ҳолатлар кузатилади. Бу борада ўсиш ва ривожланиш ёшидаги боланинг керакли меъёр-

да овқат истеъмол қилмаслиги оқибатида келиб чиқувчи касалликлар ўзингизга аён.

Таассуф, бугун содир бўлган воқеа ҳақидаги ахборот, турли фото, видео тасвирлар зумда интернетдан жой олади ва бутун дунё бундан хабардор бўлади. Бу ҳам етмаганидек, кўп ўтмасдан айнан шу ахборотларнинг «сара»лари мобил телефонларда пайдо бўлади. Бу борада хотирасига кўп маълумотларни сиғдира оладиган энг сўнги русумдаги телефонларни фарзандларига харид қилган ота-оналарни оғохлантирсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бугун кўча-кўйда, интернет кафеларда телефонларга мусика, клип, ўйин ва бошқа тасвирларни ёзиб берувчи «тадбиркор»лар ҳам оз эмас.

— Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиши тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қаро-

ри билан таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишнинг тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди, — дейди Халқ таълими вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқарма бошлиғи Хикматилла Даминов. — Бу борада халқ таълими тизими томонидан ишлаб чиқилган тавсияларда ўқувчи ва талабаларнинг сифатли таълим олиши ҳамда касб-хунар ағаллашида уяли алоқа воситалари дарсдан қалгивучи восита эканлиги яна бир бор эътироф этилади. Унга кўра, олий ўқув юрлари ва мактабларга қираётганда мобил телефонни ўчириб қўйиш ҳамда маъруза ва дарс пайтида ундан фойдаланиш тақиқланади. Бироқ факултода ҳолатлар юзага келганида телефондан фойдаланиш чекланмайди.

Ҳозирда кўплаб давлатларда болалар саломатлигини сақлаш мақсадида мобил телефонларидан фойдаланиш бўйича чекловлар жорий этилган. Масалан, Бангладешда 16 ёшгача бўлган болаларнинг мобил телефондан фойдаланиши бутунлай тақиқланган. Шунингдек, Франция, Испания ва Англия давлатлари томонидан ҳам болалар учун мобил телефондан фойдаланиш бўйича чекловлар ўрнатилган. Демак, бугун биз фикр юритаётган масала дунё ҳамжамиятини ҳам ташвишга солмоқда. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунё бўйича икки ярим миллиард инсон мобил телефондан фойдаланади. Бу мобил телефон техника оламидаги янгилик эмас, инсон ҳаётида ижтимоий ҳодисага айлланиб ултурганидан далолатдир. Масаланинг энг нозик жиҳати шундаки, мобил телефондан фойдаланувчиларнинг орасида болалар, яъни мактаб ўқувчилари, ҳатто боғча тарбияланувчилари ҳам борлигида...

Бугунги кунда мамлакатимизда маънан етук, жисмонан соғлом авлодни воюга етказиш, уларнинг камолоти, бахту саодати, фаровон келажаги йўлида бир қатор хайрли ишлар амалга ошириллаётган. Бу борада биринчи галдаги вазифамиз фарзандларимизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини эътибордан четда қолдирмай, уларни умминсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, миллий ўзлгимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона гўялар таъсиридан асрашдир. Шундангина хайрли ишлар самараси юзага чиқади.

Гулноза ТУРҒУНБЕКОВА

**Ж**иянимни боғчада қолдира туриб, «Фарзандларингиз ижодидан» деган ёзувга кўзим тушди. Қизиқиб қарадим. Жавон устида гуллар, ҳайвонларнинг расмлари, қирқиб елимланган шакллар, апликасалар, пластилиндан ясалган жонзотлар...

Шу паллада қизиқишим янада ошди. Жиянимнинг ҳам ишлари бормикан? Унинг исми Шохрух. Шу исми излай бошладим. Аммо кетма-кет Шохрух.Ш, Шохрух.Н, Шохрух.Ж. ёзувлари турарди. Боғча опа ажабланганимни сездим чоғи, «Гуруҳимизда учта Шохрух бор. Ишларини фамилияси бош ҳарфи билан белгилаб қўйганмиз», деди.

Шохрух. Ш... Демак, жиянимни шундай деб бошқа Шохрухлардан фарқлашар экан. Боғчадан қайтаётим, тарбиячидан хафа бўлдим. Ширингина жиянимни шундай аташи, негадир малол келди. Ўйлаб келар эканман, ҳамма айб ўзимиздалигини англаб етдим. Тўғри-да, ушбу исм кўп бўлса, гуруҳдаги ўн беш нафар боланинг уч нафари Шохрух бўлса, улар нима ҳам деб атасин? Ахир боғча боласини



АДАШЛАРНИ АДАШТИРИБ...  
ЁКИ ИСМЛАРДАГИ СУНЪИЙ ТАНҚИСЛИК ҲАҚИДА

фамилияси билан ёки фалончиевич деб аташ ярашмас?!  
Ота-онанинг бурчларидан бири фарзандига чиройли исм қўйишдир. Исм танлашда адашмаслик лозим. Бунинг учун эса эътибор ва ўқув керак. Токи, фарзанд камолга етганда ўз исмидан уялмасин, орланмасин, хижолат тортмасин.

Аммо исм ҳам чиройли, ярашқилик экан деб унинг мода бўлишига йўл қўймаслигимиз лозим. Ҳозир Фаррух, Шохрух, Бекзод, Отабек, Ботир, Улуғбек исмларини ниҳоятда кўп учратамиз. Лоф бўлса ҳам айтиш жоизки,

бугун бир даврда Шохрух ёки Бекзод деб чақиринг, ўн кишидан учтаси «лаббай» дейди.

Шу ўринда мулоҳаза туғилади. Исмлар танқисми? Ёки бошқа исмлар шунчалик маъносиз ёки беўшовми? Йўқ, албатта. Агар масалага чуқурроқ ёндашиб, таҳлил этадиган бўлсак, «Ўзбек исмлари» китобининг ўзида ўттиз мингдан зиёд исмлар маъноси билан берилган. Наҳотки, шунча исмлар ичидан мурғаккина гўдакча муносибни, яъни ён-атрофда камроғини топиш мушкул бўлса...

Баъзан обрўли, машҳур инсонларга

ўхшасин, деб унинг исмини фарзандимизга қўямиз. Албатта, эзгу ният яхши. Аммо фақат исм қўйиш билан сизнинг фарзандингиз ҳам шу даражага етиб қолмайди-ку!

Бир дугонам қизига Ойнура деб исм қўйибди. Шунда дўстларимиздан бири «Сал замонавийроқ исм танлабмасиз-да, масалан, ҳозир Сабрина исми «мода», деб қолди. Мулоҳаза шунда эдики, Ойнура «ойнинг нури» дегани. Ҳўш, Сабринанинг маъноси нима? Уша дугонамдан сўрадим, у эса елка учирди. «Қайдан билаят?»

Яна бир масала — фарзандларимизни баъзан хориждан ўзлаштирилган исмлар билан атаймиш. Бундан бир неча йил аввал ҳўнд киноқодорларнинг «Икки тақдир» сериали телеэкранларда намойиш этилганидан сўнг тиллимизга Самир исми кириб келган. Салим исми йигитларимиз ўз исмларини Самирга ўзгартиргани, кичик Самирлар пайдо бўлгани ҳеч биримизга сир эмас. Ёки бўлмаса, Мексиканинг «Камила» телесериалидан кейин Камола исми қизларимиз ўзларини Камила деб атаганичи?

Бу ҳолат, шубҳасиз, ҳафсаласизлик, яъни соф ўзбек исмларини изламаслигимиз, кейин эса вақтинчалик шовшувга ўчлигимиз оқибатидир.

Г.НУРИДДИНОВА

## ЭХТИЁТ ШАРТ, ДЕБ БЕКОРГА АЙТИШМАЙДИ

**Ҳа, шундай. Марказий кўчаларда, кўп қаватли уйларга киришда ёнгин хавфсизлиги риюя қилиниши лозим бўлган жихатлар борлигини кўпчилигимиз биламиз. Аммо ҳар доим ҳам ушбу қоидаларга амал қиламизми?**

Бу саволга баралла, ҳа, деб жавоб бера олмаемиз. Агарда шундай бўлганда кўпгина ёнгинларни тез фурсатларда бартараф этиш имкони бўларди. Келинг, таҳлил этаемиз. Йўлларда, кўп қаватли уйларда ўзбошимчалик билан қуриб олинган қўшимча қурилмалар, йўл ёқаларига зид равишда ўрнатиб олинган ҳар

хил шохобчалар автотранспорт, хусусан, ўт ўчириш машиналари ҳаракатига ҳалақат беради. Натижада вақт йўқотилишига – ёнгин аланга олишига омил бўлади.

Шу ўринда кўп қаватли уйлар ҳудудида ҳар хил турдаги ишқомлар, гаражлар ҳамда темир панжаралар, йўл ёқаларига турли

хилдаги савдо ва маиший шохобчалар, биноларга ўтиш йўлларига темир ва бетон тўсиқлар ўрнатилиши, тунги вақтда уй биноларига ўтиш йўлақларида фуқаролар томонидан шахсий автоуловларни сақлаш тақиқлинишини яна бир бора эслатиб ўтмоқчимиз. Зеро, ушбу қоидаларга амал қилиш жамият хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилишини унутмаслигимиз даркор.

**О.ХОЛХОДЖАЕВ,**  
Миробод тумани ИИБ ЁХБ  
ДЁН инспектори, капитан.

## ОГОҲ ИНСОН – ЭНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИ

**Маълумки, шу кунларда юртимизда “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилмоқда. Бу жараёнда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасидаги масъулият янада ошади. Ахир ёнгинларнинг олдини олиш, хавфли ҳолатларни бартараф этиш кўп жиҳатдан мана шу ойда амалга ошириладиган тадбирларга, хусусан, тарғибот-ташвиқот ишларига, тушунтиришларга боғлиқ.**

Бу борада ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли турар-жойларида, хонадонларда бўлишиб, ёнгинлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлашга, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда бу камчиликлари ўз вақтида бартараф этишга, энг муҳими, мана шундай камчиликлар қандай салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиб келишмоқда.

Шу ўринда юртдошларимиздан ушбу ойликда фаол иштирокларини сўрардик. Бу билан кўплай ёнгинларнинг олдини олган, ўзимиз ва атрофдагиларнинг хавфсизлигини таъминлаган бўламиз. Шунинг учун ҳар қачон унутмайликки, огоҳлигимиз – фаоллигимизнинг биринчи белгисидир.

**Е.ЖУРАБЕКОВ,**  
Тошкент шаҳар 12-ХЕҲО кичик сержанти.

## САҚЛАНГАННИ САҚЛАЙДИ

Олов ёқишининг ҳам ўзига хос қоидалари бор. Азалдан болаларга олов билан боғлиқ ҳеч қандай юмш буюрилмаган ёки уларнинг олов ўйнашларига мутлақо изн берилмаган. Афсуслар бўлсинки, бугун азалий одатларни чеклаб ўтиш ҳолатлари кузатилиб турибди.

Ана шу лоқайдлик оқибатида жойларда турли даражадаги ёнгинлар содир бўлмоқда. Ахир бола болалигига боради. Унга берилган тушунча зумда эсидан чиқиши мумкин. Кейинги пушаймон эса доимгидек ўзимизга душман бўлишини унутмаслик зарур. Бу борада фуқаролар ёнгин хавфсизлиги қоида ва талабларига риюя этишлари, лоқайдлик ва эътиборсизлик сингари иллатлардан холи бўлиб, ёнгинларга олиб келувчи омиллар бартараф қилинишида давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларига яқиндан ёрдам беришлари лозимлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

**М.КАМИЛОВА,**  
12-ХЕҲО кичик инспектори, кичик сержант.



## КУКУНЛИ ВОСИТАЛАР ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ

**Ёнгинни ўчиришда қандай воситалардан фойдаланилади? Албатта, сув, кум, туз. Булар энг оммалашгани. Яна шундай воситалар, жумладан, кукун моддалар ҳам борки, уларнинг кўпгина қулай жиҳатлари мавжуд.**

Ҳўш, улар нимаси билан фарқ қилади? Ёнгин ўчирувчи кукун моддалар майдаланган минерал тузлардир. Афзалликлари эса... Биринчидан, кукунларда ёнгин ўчириш қобилияти жуда юқори бўлади. Хатто галоидланган углеводлариникидан ҳам бир неча мартаба юқори. Иккинчидан, универсал бўлиб, улар билан сув, кўпик, газли ёки галоидланган моддалар билан ўчириб бўлмайдиган материаллар (асосан, ишқор ҳосил қиладиган металллар, кремний ва металлоорганик аралашмалар)ни ҳам ўчириш мумкин.

Кукунли таркибларнинг афзаллиги нафақат уларнинг юқори ёнгин ўчириш самарадорлигидан иборат, балки дизелетрик хусусиятида ҳам кўринади. Бу хусусият турли кўринишдаги электр қурилмаларда юзага келган ёнгинларни ўчиришда кўл келади. Аммо кукун таркибли ёнгин ўчириш воситаларини ишлатишда эътибор қаратиш лозим бўлган томони ҳам бор. Бу уларнинг хусусиятидан келиб чиқади. Улар нам тортиши, ёпишиб қолиши ва қумқоқлиниши, кўпик билан бирикмаслиги мумкин. Бу шунинг кўрсатадики, ушбу воситаларни до-

мо назорат қилиб туриш лозим.

Кукунли ўчириш стационар қурилмалари, ишқор ҳосил қилувчи металллар, кремний ва металлоорганик бирикмалар ҳамда бошқа ёнғувчи материаллар, шунингдек, турли санаят қурилмалари, шу жумладан 1000 В гача қучлинишдаги қурилмаларни ёнгиндан ҳимоялашга мўлжалланган. Қурилма қуйидагича ишлайди: муҳофаза қилувчи бинода ёнгин чиққанда ҳарорат кўтарилиши натижасида иссиқлик қулфи парчаланаяди ва шу туфайли юкни турбада ушлаб турган сим арқон узилади. Келиб тушган юк баллоннинг ишга тушириш қурilmаси ковак фрезасининг ўрнини ўзгартирди. Фреза мембранани кесади ва ишга солиш гази баллондан идишнинг пастки қисмига қиради ҳамда кукунни юмшатиб, уни тақсимловчи тармоққа сиқиб чиқаради.

Ҳа, шундай. Ёнгин ўчириш воситаларини ишлатиш ва уларнинг хусусиятини билиб қўйиш ҳеч қачон зарар қилмайди.

**К.ХАСАНОВ,**  
Тошкент шаҳар 28-ХЕҲК инспектори, кичик сержант.

## ҚЎЛБОЛАСИ – КЎП БАЛО

Қиш мавсуми. Кунлар совиши билан ҳар биримиз уйимизни иссиқ тутишни хоҳлаймиз. Иситиш тизимларини созлаб, зарурларини ўрнатаемиз. Аммо кўплай фуқароларимиз шу ниятда қўлбола асалган газ ва электр ускуналаридан фойдаланиб, натижада нафақат уйларидан, балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолишига сабабчи бўлмоқдалар.

Мана оддий мисол, Чилонзор туманидаги «Миродил» озик-овқат дўконига содир бўлган ёнгин айнан қўлбола электр асбобидан фойдаланиш оқибатида содир бўлган. Натижада бу масканга катта талафот етган. Ёнғ ёмони, бир кишининг умрига зомин бўлган. Агарда биз оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риюя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўқ сифатида хизмат қилади.

**Д.МИРАЛИМОВ,**  
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ХЕҲК инспектори, кичик сержант.

## ЎЗБИЛАРМОНЛИК ОҚИБАТИ

Эҳтиётсизлик сабаб келиб чиққан олов натижасида хонадон ёки қорхона бинолари, у ерлардаги моддий бойликлар ёниб қолга айланиши мумкин. Бу бало сабаб одамлар ҳаётдан бевақт кўз юмиши ҳоллари ҳам учраб турибди.

Шу ўринда, ёнгинларнинг аксарияти фуқароларнинг яшаш жойларида содир бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, газ ёки электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, қаровсиз қолдириш, бефарқлик, умуман, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик оқибатида қўпгина аҳолининг ўзи азият чекмоқда.

Фуқароларимиз хавфсизлик қоидаларини билишсади, бироқ уларга эътиборсизлик билан қарашади. Бунинг натижасида эса ёнгин юзага келади. Бу борада озгина эътиборли бўлсак, болаларга ҳам шунинг ўргатсак қилади.

**Б.ХАСАНХОДЖАЕВ,**  
12-ХЕҲО 24-ХЕҲК капитан.

## АВТОМАТЛАШГАН УСУЛЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Халқимизнинг “Ўт балосидан асрасин” деган нақлида катта маъно бор. Ёнгин бир неча дақиқада кўплай бойликларни қулга айлантириши мумкин. Санаят тармоқлари, қорхоналар, йирик цехларда ҳам ёнгин чиқиши эҳтимолли йўқ эмас.

Бундай объектларда пайдо бўлган ёнгинларда ажралиб чиқадиган тўтун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли газлар атмосферага кўтарилиб, ҳаво таркибини бузади. Бундан ташқари, энг ёмони, кўплай кишилар жароҳатланиши ва ундан ҳам хавфли ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Ҳозирги пайтда санаят қорхоналарида ёнгин хавфини камайтириш бо-

расида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Фаолиятда ёнгин хавфи камайтирилган ёки бутунлай хавфсиз электр ускуналари қўлланилмоқда. Шунингдек, ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлаштирилган тизимлари оммалаштирилмоқда.

Бу жараён кенг жамоатчиликка суянган ҳолда, цехлардаги ҳар бир ходимнинг иштирокида олиб борилади. Санаят қорхоналарида ёнгин муҳофазасини ташкил қилиш, ўт ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлашнинг энг муҳим омиллари ҳар бир ходимнинг бу борадаги билим ва кўникмалари, ёнгиннинг олдини олиш бора-сида тушунчаларга эга бўлишини таъминлашдир.

**Ш.УМАРОВ,**  
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ХЕҲК кичик инспектори.

## ҚИСКА ТУТАШУВДАН КАТТА ТАШВИШ

Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича, хавфсизлик қоидаларига риюя қилмасдан таъмирлашадди. Худди шундай ҳолатларни қорхона, ташкилот, аҳоли турар-жойларида ҳам учратиш мумкин. Базми бир беғамроқ бекаларимиз эса газ плитасида овқат қолдириб, ёнгин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар.

Чилонзор туманида истиқомат қилаётган Т.Ваҳобовнинг хонадонига содир бўлган ёнгин ҳам ошхонадаги эҳтиётсизлик оқибатида келиб чиққан. Натижада ошхонанинг том қисми қулга айланган. Шу тўғрисида истиқомат қилаётган Х.Азизовларнинг хонадонига содир бўлган



ёнғинда унинг 65 кв.м майдонда том қисми ва уй жиҳозлари қулга айланган. Уй эгаси жиддий тан жароҳати олган. Уч-тепа туманида яшовчи М.Саидхонмедовнинг хонадонига ёнгин телевизор симларининг қиска туташуви оқибатида содир бўлган.

**Р.НИЕЗОВ,**  
24-ХЕҲК кичик инспектори, сержант.

# КОНСТИТУЦИЯ – ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда инсон, унинг қадр-қиммати, шаъни энг олий қадрият ҳисобланади. Зеро, ушбу тамойил ҳуқуқий демократик давлат барпо қилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Республикаимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция орқали мустаҳкамлаб қўйилган.

Жумладан, унинг 18-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Иштироқлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш қоидаси халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла-тўқис мос келади. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 1-моддасига асосан "Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар. Улар ақл ва виждон соҳибидирлар ва бир-бирларига биродарларча муомала қилишлари зарур".

Инсонларнинг асосий ҳуқуқлари тизимида, энг муҳими, яшаш ҳуқуқи ҳисобланади. Конституцияимизнинг 24-моддасида шундай дейилган: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд



қилиш энг оғир жиноятдир". Ушбу қоида тўла таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди.

Инсонларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлиги уларнинг конституциявий ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуққа у тугилиши билан оқ эга бўлади.

Инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлигининг бузилиши ҳар бир шахснинг судга шикоят билан муҳожаат қилиш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва унинг талабларини қондириш ҳуқуқини келтириб чиқаради.

Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонуни билан ҳам тартибга солинади.

Айбсизлик презумпцияси (айбини исбот қилгунча шахс айтибсиз деб фараз қилиш) Конституциянинг 26-моддасида белгиланган бўлиб, у одил

судловнинг асосий тамойилларидан ҳисобланади.

Конституциянинг 27-моддасида шундай дейилган: "Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қўйилган таъвозулардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳар ким қонун назардан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашулар сирини ошкор қилиши мумкин эмас".

Бу қоида шахсни шаъни, қадр-қимматини ҳурмат қилиш, шахсий ҳаёт ва уй-жойи дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Шаън ва қадр-қиммат фақат инсонга хос сифат бўлиб, унга инсон туғилгандан бошлаб эга бўлади. Бу ҳуқуқ шахснинг ажралмас ва бошқаларга ўтказиб бўлмайдиган ҳуқуқи ҳисобланади. Яъни бу ҳуқуқлар умуман мутлақ характерга эга бўлиб, улардан фойдаланиши учун махсус рухсатнома талаб қилинмайди.

Диляфруз РЕЖАПОВА

Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати, шаъни ҳамда бошқа ҳуқуқлари тўла таъминланишида суд тизимининг аҳамияти беқийс. Шу боис, мустақиллик йилларида жамиятимизда бошланган туб демократик ислохотлар суднинг давлат органлари тизимидаги ўрни ва ролини муқаррар равишда қайта кўриб чиқишни тақозо қилди. Конституцияимизнинг қабул қилиниши эса суд тизимини янгилаш, уни демократлаштириш имконини яратди. Юртбошимиз айтганларидек, "Биз одамларнинг судларга фақат жазоловчи идора деб эмас, балки, аввало, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора деб қарашига эришмоғимиз керак".

## СУДЛАР ФАҚАТ ЖАЗОЛОВЧИ ИДОРА ЭМАС...

Афсуски, яқин ўтмишимизда, бир асрдан ортқ давом этган истибод замонида бундай ғоя инкор этилиб, суднинг жазоловчи функцияси асосий ўринини тутар, суд "босиб туриш"га мослашган давлат аппаратининг бир бўғини бўлиб, унинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш функцияси ҳақида умуман гапирилмас эди. Фақат истиклолдан сўнггина суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи эканлиги тўғрисидаги нуқтаи назар жамиятимизда тўла қарор топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимиятининг учинчи тармоғи сифатида эътироф этилганлиги, суд тизими изчиллик билан ислох қилинаётганлиги натижасида фақат қонунга бўйсинувчи, мустақил, юксак маданиятга эга судьяларнинг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши имконини яратди. Бинобарин, судья зиммасига юклатилган ваколатни касбий этика меъёрларига риоя қилган ҳолда амалга ошириши, суд ҳокимияти шаъни ва мустақиллигини мўтабаб тутиб, ҳалол ва бегараз бўлиши, қонунларга риоя этиши, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, ҳар қандай ноҳўя ҳаракатлардан тийилиши, ўзининг судьялик лавозими ва нуфузидан шахсий манфаатлари ёки бошқа мақсадларда фойдаланмаслиги ҳамда касбининг моҳир билимдони бўлиши лозимдир.

Суд ҳокимиятининг асосий белгиларидан бири бўлган одил судлов Ўзбекистон Республикасида фақат суд томонидан амалга оширилади. Унинг натижаси бўйича суд қарорларини қабул қилиш ҳуқуқи эса судьяларга берилган. Айтиш жоизки, одил судловни амалга оширишда судьянинг мустақиллиги ва унинг дахлсизлигини таъминлаш катта аҳамият касб этади. Хусусан, Қомусимизнинг 112-моддасида "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади" дея белгилаб қўйилган. Бу эса судьяларнинг эркин фаолият олиб бориши ва уларнинг дахлсизлиги давлат томонидан ҳимоя қилинишини аниқлатади.

Шохруд ФАЙЗИЕВ,  
ТДЮИ доценти, юридик  
фанлари номзоди.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини

Конституция қабул

қилинганнинг 20 йиллиги

билан самимий туборақбад

этади. Барчамизга

сўҳаб-самонамлик,

фаровонлик, кўвон

ва шодлик тилайди.

Ватанимиз осмонни

ҳалқини тусадуро, эн-юрт

дастурҳони доимо

тўқиб-соғин бўлсин!



# КИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА



Таъқидланганидек, Ўзбекистон БМТ Тараққиёт Дастури ва Европа Иттифоқининг турли ихтисослаштирилган минтақавий лойиҳаларида, хусусан, Марказий Осиё давлатлари чегараларини бошқариш ва гиёҳванд моддаларнинг олдини олишга кўмаклашувчи БОМКА Дастурида фаол қатнашиб келмоқда. 2004 йилдан буён Давлат божхона кўмитаси, Олий ҳарбий божхона институти, Миллий кинология марказининг 126 нафар ходимлари ушбу дастур доирасида ташкил этилган ўқув семинарларида иштирок этишди. Марказий

Пойтахтимиздаги Миллий кинология марказида Марказий Осиё божхона чегара хизматларига тегишли кинология маркази раҳбарларининг учинчи минтақавий анжумани бўлиб ўтди. Давлат божхона кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон республикаларининг чегара ва божхона тузилмаларида фаолият юритаётган кинология хизматлари раҳбарлари ҳамда Марказий Осиё давлатларида гиёҳванд моддаларни назорат қилиш агентлиги вакиллари, манфаатдор идоралар ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.



Осиё ва дунёнинг бошқа давлатлари божхона хизматлари учун кинолог мутахассислар ва хизмат итлари тайёрлаб бериш йўлга қўйилди.

Анжуманда иштирокчи давлатлар вакиллари ўзларидаги кинология хизмати фаолияти, қўлга киритилган натижа ва тажрибалар юзасидан кўргазмалар чиқишлар ташкил қилишди. Миллий кинология марказида кинолог мутахассислар ва хизмат итлари учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Меҳмонлар навбатдаги минтақавий ўқув курсларини якунлаган 18 нафар кинологларнинг битирув имтиҳонларини кузатишди.

Иштирокчиларга ўқув курсларини тугаллаган кинологлар томонидан хизмат итлари кўмағида гиёҳванд моддалар ва портловчи воситаларни излаб топиш бўйича кўргазмалар амалий чиқишлар намойиш қилинди.

Шунингдек, икки кун давом этган ушбу тадбир доирасида Марказий Осиё давлатлари божхона ва чегара хизматларига тегишли кинология маркази раҳбарларининг Мувофиқлаштирувчи Кенгаши ташкил қилиниб, унинг таркибида доимий фаолият юритувчи вакиллар белгилан олинди. Мазкур Кенгашнинг 2013 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Анжуман якунида Марказий Осиё давлатларида кинология хизматларини янада такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Соҳиба СОЛИЕВА,  
«Qishloq hayoti» мухбири.

# БУ ТАРИХДАН МИНГ ДОСТОН БИТМОҚ МУМКИН

Орамизда шундай инсонлар борки, улар ўз истезодиди ва иқтидори билан катта муваффақиятларга эришиб келмоқда. Улардан қўлга киритган ютуқлари сирини сўрасангиз, бунинг омили касба муҳаббат ва садоқатда деб айтишадди. Изланиш ва интилишдан чарчамайдиган бу инсонлар ҳамиша одамларнинг эътибор ва эъзозиди бўлишадди.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги шодиёналари арафасида Президентимиз Фармонига биноан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган Республика Маънавият-тарбия маркази Норин тумани бўлими раҳбари, «Норин овози» газетасида бош муҳаррири Равшанбек МИРЗОЛИМОВ ҳам ана шундай юртдошларимиздан биридир.

— Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари норинликларни ҳам янада ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишга ундаяпти. Туманимиздан қиёс: яқиндагина автомобилларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи янги корхона фойдаланишга топширилди. Велосипед ишлаб чиқарадиган корхона иш бошлаш арафасида турибди. Шунингдек, айни пайтда туман маркази ҳисобланадиган Ҳаққуллобод шаҳрида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Кайд этиш ўринлики, сўнгги йилларда норинликлар нафақат деҳқончилик, боғдорчилик,

асаларичилик, балиқчилик ёки чорвачилик билан шуғулланишяпти, балки томорқадан ҳам мўл-қўл ҳосил етиштириб яхши даромад олишмоқда. Масалан, туманимизда 2010 йилдан айни пайтгача томорқадан йилга уч марта ҳосил оладиган хонадонлар сони 40 фоизга ортган. Энг муҳими, 5-6 сотих ердаги томорқадан 10-15 миллион сўм атрофида даромад олаётган оилалар сони ортиб бормоқда. Хусусан, Уч-тепа қишлоғилик миришкорлар редиска етиштириб, йилга бир миллиард сўмликдан кўпроқ даромад олишмоқда.

Туманимиздаги рўй бераётган ўзгаришларни эса туман газетамиз саҳифаларида мун-

тазам ёритиб борамиз. Жумладан, «Изолаганга имкон қўл» саҳифасида томорқадан йилга 3 марта ҳосил олаётган ишбилармон кишилар ҳақида доимий равишда мақолалар бериб борамиз. Дарвоқе, яқинда Республика Маънавият-тарбия маркази ҳомиёлигида ушбу мақолалардан фойдаланиб, 20 минг нусxada махсус китоб чиқарилди ва аҳолига бепул тарқатилди. Шундан сўнг китоб тарғиботи бўйича намунали оилаларда семинарлар ўтказдик.

Шу кунларда Конституциямиз қабул қилинганининг 20 йиллигини нишонлаяпмиз. Биз учун Қомусимиз кўпلىк имконият ва эркинликлар бер-

ди. Мустақилликкача бўлган даврда бунақа шарт-шароит, ҳуқуқий эркинликлар юртдошларимиз учун фақат орзу эди. Олдинлари бирор киши тадбиркорлик қила олармиди? Йўқ, албатта. Ҳозирчи, тадбиркорлар учун улкан имкониятлар яратилди. Ишбилармоннинг эркин фаолият юртиши, ҳар бир инсоннинг мулкдор бўлиш ҳуқуқини Конституциямиз берди. Энг муҳими, бугун одамларимиз онгида, дунёқарашда ерга, мулкка эгалик ҳисси шаклланди. Мана шунинг ўзидек бизнинг энг катта ютуқларимиздан биридир.

Йигирма бир йил ичидаги ҳар бир ўзгариш бир достонга арзирли воқеадир. Ҳа, истиқлол берган имкониятларни ҳисоб-китоб қилиб адоғига етиб бўлмайди. Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан кўнгли сурурга, гурурга тўлади. Ва уларни ифодалаш тўғриси дилда жўш уради.

Ҳасан МҮМИНОВ  
суҳбатлашди.



# БАХТИМ ҚОМУСИ

Конституция —  
Бахтим қомуси,  
Тақдир пешонамда  
зарҳал номамсан.  
Сен фаҳрим, гурурим,  
юзим ёдуси,  
Оламга юз очган  
жаҳонномамсан.  
Ҳар бир теран сатринг  
— буюк халқимнинг  
Ўлмас вужудиди  
айланган қони.  
Сена қанот берган  
аждодларимнинг  
Ёвқур курашларда  
тобланган жони.

Сен билан бақамти  
бахт топар, ишон,  
Хур ўлкам бағрида  
ҳар битта инсон.  
Азалдан адолат  
мезони бўлган,  
Қонун юрти демек,  
асли Туркимсон.

Ҳаққи-ҳуқуқимга  
зувала бўлган,  
Сен зирҳли белбандим,  
пишиқ-пухтамсан.  
Кўкда Аллоҳимдир  
ҳиғфига олган,  
Сен заминда менинг  
таянч нуқтамсан.

Дўстмуҳаммад ДҮСТ,  
Самарқанд вилояти  
Каттақўрғон туманидаги  
75-умумтаълим мактаби  
ўқитувчиси.

Қашқадарё Вилояти

# ФЕРМЕР — «ЙИЛ АЁЛИ» ҲОЛИБИ

Қариш шаҳрида «Йил аёли — 2012» миллий танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда шаҳар ва туманларда ғолиб бўлган 13 нафар аёл иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳбарлигида хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида сўз юритдилар.

— Йил аёли республика миллий танлови аёлларимизнинг фаоллигини янада ошириш, уларнинг жамият ривожига қўшаётган ҳиссасини қадрлаш ва рағбатлантириш, илғор иш тажрибасини оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир, — дейди вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Инобат Каримова. — Бу йил танловда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидаги илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, фермерлик соҳаларида самарали меҳнат қилаётган 3,5 минг нафар аёл иштирок этди.

Танловнинг мезони сифатида вилоят босқичида



иштирокчиларнинг ташаббускорлик, изланувчанлик, тўғри қарор қабул қилиш қобилиятларига эътибор қаратилди.

Ҳакамлар ҳаётининг ҳулосасига кўра, Китоб туманидаги «Элдорбек Абборжон Лукмонович» фермер кўжалиги раҳбари Насиба Нурова биринчи ўринга лойиқ топилди. Ва унга «Йил аёли — 2012» танловининг мамлакат босқичида иштирок этиш йўллари топирилди.

— Мамлакатимизда аёллар ҳаминша эъзозда, — дейди Насиба Нурова. — Бу борадаги эзгу савий-ҳаракатлар, ибратли ишларни кундалик ҳаётимиз, фаолиятимиз, оилалар тинчлиги ва хотиржамлиги, фарзандларимиз саломатлиги ва камолотида ҳаминша ҳис этапмиз. Бундай танловлар биз — хотин-қизларга янада фаол бўлиш, юрт равнақи йўлидаги эзгу интилишларимизни намоён этиш учун кенг имкониятлар яратади.

Ҳусан ТЕМИРОВ,  
«Qishloq hayoti» мухбири.  
Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ўЗА) олган сурат.

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА КУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРИНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!



### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдagi 147-сонли қарори ва Наманган вилояти Янгикўрғон тумани ҳокимининг 2011 йил 16 августдаги 849-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга тақдоран қўйилмоқда:

1. Дорихона биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Қораполон қишлоғи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 200 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 22 952 сўм.

2. Компьютер хизмати шохобчаси биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Қораполон қишлоғи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 50 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 5 738 сўм.

3. Сартарошхона биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Қораполон қишлоғи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 50 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 5 738 сўм.

4. Дорихона биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Наврўзобод қишлоғи "Янгихаёт" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 200 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 22 952 сўм.

5. Сартарошхона биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Наврўзобод қишлоғи "Янгихаёт" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 50 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 5 738 сўм.

6. Тикувчилик устaxonаси биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Наврўзобод қишлоғи "Янгихаёт" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 200 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 22 952 сўм.

7. Саудо дўкони биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Наврўзобод қишлоғи "Янгихаёт" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 100 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 11 476 сўм.

8. Пойабзал таъмирлаш устaxonаси биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Наврўзобод қишлоғи "Янгихаёт" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 50 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 5 738 сўм.

9. Тикувчилик устaxonаси биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Навкент қишлоғи "Ровот" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 300 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 34 428 сўм.

10. Саудо дўкони биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Навкент қишлоғи "Ровот" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 200 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 22 952 сўм.

11. Дорихона биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Навкент қишлоғи "Ровот" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 200 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 22 952 сўм.

12. Сартарошхона биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Навкент қишлоғи "Ровот" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 100 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 11 476 сўм.

13. Косибчилик устaxonаси биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Навкент қишлоғи "Ровот" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 100 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 11 476 сўм.

14. Компьютер хизмати биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Навкент қишлоғи "Ровот" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 300 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 34 428 сўм.

15. Зооветпункт биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани "Заркент" қишлоғи "Маданият" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 100 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 11 476 сўм.

16. Қурилиш материаллари дўкони биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Заркент қишлоғи "Маданият" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 300 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 34 428 сўм.

17. Дурадгорлик устaxonаси биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Заркент қишлоғи "Маданият" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 200 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 22 952 сўм.

18. Сартарошхона биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Заркент қишлоғи "Маданият" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 50 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 5 738 сўм.

19. Тикувчилик устaxonаси биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Заркент қишлоғи "Маданият" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 200 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 22 952 сўм.

20. Пойабзал таъмирлаш устaxonаси биноси қуриш учун, Янгикўрғон тумани Заркент қишлоғи "Маданият" маҳалласи 3-зонаси ҳудудига жойлашган 1 дона, 150 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 17 214 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Янгикўрғон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларни бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2014 йил 18 декабрда бўлган мuddатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 21 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманомана берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi закатлати закатлати келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов катнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Янгикўрғон тумани ҳокимлиги биносига 2012 йил 24 декабрь куни соат 11:00 да очилади, 2012 йил 24 декабрь куни соат 16:00 да мазкур туман ҳокимлиги биносига танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Юқридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 24 декабрда танловда сотилмаган тақдирда, унинг тақдорий танлов савдоси 2013 йилнинг 9 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Тақдорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 8 январь соат 18:00 да тўхтатилади.

Тақдорий танлов катнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Янгикўрғон тумани ҳокимлиги биносига 2013 йил 9 январь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 9 январь куни соат 16:00 да мазкур филиал биносига танлов голиби аниқланади.

Танлов ташкилотчиси - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Наманган вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Наманган вилояти Наманган шаҳар Нодира кўчаси 3-уй, "Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖ Наманган вилояти филиали биноси. Тел/факс: (8-369) 226-54-47, электрон почта: rieltssavdo@inbox.uz. Расмий сайти: www.1kms.uz. Лицензия № RR 0001.

Танловда катнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вақил катнашганда ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда катнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вақил катнашганда ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда катнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закатлат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов тақлифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закатлат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк рекезитлатлари: АТИБ "Ипотекабанк" Наманган вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамга тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Наманган вилояти Наманган ш. Нодира кўчаси 3-уй, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Наманган вилояти филиали биноси.

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдagi 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Фарғона шаҳар ҳокимининг 2012 йил 27 ноябрдаги №2127-01-22-сонли алоқа хатига ва 2012 йил 10 майдagi №102-Ф-сонли фармойишига асосан 1 (бир) та, 2012 йил 28 ноябрдаги №2136-01-22-сонли алоқа хатига ва 2012 йил 25 сентябрдаги №231-Ф-сонли фармойишига асосан 2 (икки) та ер участкалари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга жами 3 (уч) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Оромоғ қуриш учун Фарғона шаҳар Сурхтепа МФЙ "Сирдарё-Сўх" ирригация тизими тасарруфидagi "Марғилонсой" 4-зона ҳудудига жойлашган 1 дона умумий майдони 3 600 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 939 716 сўм.

2. Кичик футбол майдончалари ва унинг таркибига қийинши ва ювиниш хоналари ҳамда сузиш ҳавзаси қуриш учун, Фарғона шаҳар Ш.Рашидов кўчаси 3-зона ҳудудига жойлашган 1 дона умумий майдони 3 600 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 2 210 328 сўм.

3. Кичик футбол майдончалари ва унинг таркибига қийинши ва ювиниш хоналари ҳамда сузиш ҳавзаси қуриш учун, Фарғона шаҳар Қувасой кўчаси 181-сонли кўп қаватли турар-жой биноси ёни 3-зона ҳудудига жойлашган 1 дона умумий майдони 2 400 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 473 552 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Фарғона шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 9 январь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманомана берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi закатлати закатлати келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов катнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Фарғона шаҳар ҳокимлиги биносига 2013 йил 10 январь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 10 январь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносига танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Юқридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 10 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Тақдорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 8 январь соат 18:00 да тўхтатилади.

Тақдорий танлов катнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Фарғона шаҳар ҳокимлиги биносига 2013 йил 10 январь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 10 январь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносига танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Юқридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 10 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдagi 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Сўх тумани ҳокимининг 2012 йил 29 ноябрдаги №617/1-сонли алоқа хатига ва 2012 йил 28 ноябрдаги №128-Ф-сонли фармойишига асосан ер участкалари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга жами 1 (бир) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Саудо дўкони ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Сўх тумани Қушёр ҚФЙ 3-зона ҳудудига жойлашган 1 дона умумий майдони 400 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 333 840 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Сўх тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 10 январь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманомана берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi закатлати закатлати келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов катнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Сўх тумани ҳокимлиги биносига 2013 йил 11 январь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 11 январь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносига танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Юқридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 11 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Танлов катнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда катнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вақил катнашганда ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда катнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закатлат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов тақлифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закатлат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк рекезитлатлари: "Халқ банк" Фарғона вилояти филиали, амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисобрақамга тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғиновий кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси.

### ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдagi 147-сонли қарори ва Хоразм вилояти Богот тумани ҳокимининг 2011 йил 20 августдаги 549к-сонли қарорига, 2011 йил 12 сентябрдаги 596к-сонли қарорига, 2011 йил 20 сентябрдаги 604-сонли қарорига, 2011 йил 20 октябрдаги 660 к-сонли қарорига, 2011 йил 11 ноябрдаги 1230к-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга тақдоран қўйилмоқда:

1. Тикувчилик устaxonаси қуриш учун, Богот тумани Нурафшон шаҳарчаси 2-зона ҳудудига жойлашган 80 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

2. "Озиқ-овқат дўкони" қуриш учун, Богот тумани Нурафшон шаҳарчаси 2-зона ҳудудига жойлашган 64 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Устакса бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

3. "Сартарошхона ва этикдўзлик устaxonаси" қуриш учун, Богот тумани Нурафшон шаҳарчаси 2-зона ҳудудига жойлашган 48 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Устакса бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

(Давоми 11-саҳифада)







# «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJNING XUDUDIIY FILIALLARI BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICHIK BIZNES ВАКИЛЛАРИ ҚАМДА ХУСУСИЙ ТADBIRKORLARNI OCHIQ TANLAV SAVDOLARIGA TAKLIF ETADI!

(Боши 12-саҳифада)

5. "Умумий овқатланиш шохобчаси" қуриш учун, Янгибозор тумани Ширинқўнғирот қишлоғи Очақалъа маҳалласида жойлашган, 300 кв.м. эр участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Эр участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 87 102 сўм.

6. "Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси" қуриш учун, Янгибозор тумани Боголон қишлоғи Катли маҳалласида жойлашган 2 дона, ҳар бири алоҳида 500 кв.м. эр участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 145 170 сўм.

7. "Тикувчилик цехи" қуриш учун, Янгибозор тумани Қаландардўрман қишлоғи Бўстон маҳалласида жойлашган 1 дона 200 кв.м. эр участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Эр участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 58 068 сўм.

